

**«Юнусобод дехқон бозори»
акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг
МАЖЛИС БАЁНИ**

2021 йил 14 декабр

Тошкент шаҳри
Жамият маъмурият биноси

Кузатув кенгаши раиси

М.Абдурахмонов -

“Муниципал активларни бошқариш маркази”
ДУК Бош директори

Кузатув кенгаши аъзолари:

Ж.Тошхўжаев

“Муниципал активларни бошқариш
маркази” ДУК бош директори ўринбосари

Л.Акбарходжаев-

“Муниципал активларни бошқариш
маркази” ДУК Бош директорининг маслаҳатчиси

Н.Талипджанов

“Муниципал активларни бошқариш
маркази” ДУКнинг Иқтисод молия
департаменти бошлиғи ўринбосари

Ф.Тулаганов—

“Муниципал активларни бошқариш
маркази” ДУК бўлим бошлиғи

Т.Камолов —

“Муниципал активларни бошқариш
маркази” ДУК бош мутахассиси

Н.Халилова-

Акциядор

Мажлисга таклиф этилганлар:

О.Джумаев

Жамият директори

Д.Каримов

Жамият бош мухосиби

Ж.Алматов

Кузатув кенгаши раиси М.Абдурахмонов мажлисда 100% кворум
борлигини инобатга олган ҳолда мажлисни очик деб эълон килди.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

*1. Жамият директори О.Джумаевнинг лавозимидан озод этиш
ҳақидаги аризасини кўриб чиқиш;*

2. Жамият ижроия органига раҳбар тайинлаш ҳақида.

Кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси
М.Абдурахманов сўзга чиқиб, жамият директори О.Джумаев 2021 йил
14 декабрда бошқа ишга ўтиши муносабати билан эгаллаб турган
лавозимидан озод этишни сўраб ариза ёзганлигини маълум қилди ва кенгаш
аъзоларидан фикр билдиришларини сўради.

Кенгаш аъзолари жамият директорининг аризасини кўриб чиқиб, ушбу аризани қаноатлантирилишини маъқуллашди.

Кенгаш раиси жамиятдаги иш ҳажмидан ва жамиятнинг пойтахтдаги мавқеидан келиб чиқиб, жамият ижроия органига раҳбар тайинлашда бугунги кунда “Тошкент қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖда директор бўлиб ишлаб турган Ж.Алматовни жамият раҳбари этиб тайинлаш таклифи билдирилганлигини маълум қилди ҳамда кенгаш аъзоларидан муносабат билдиришларини сўради.

Кенгаш аъзолари Ж.Алматовни меҳнат фаолияти билан танишиб чиқишиб, унинг 2021 йил 14 декабрдан жамият директори в.б этиб тайинланишини маъқуллашди.

Муҳокама этилган масала бўйича овоз бериш натижаси:

Розилар «5 овоз», Қаршилар «йўқ», Бетарафлар «йўқ».

Кун тартибида муҳокама этилган масала юзасидан

Қ А Р О Р Қ И Л Д И

1. “Юнусобод деҳкон бозори” АЖ директори О.Джумаев аризасига мувофиқ 2021 йил 14 декабрдан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин;

2. Жамият директори вазифасини бажарувчи этиб, Алматов Жасур Ботирович 2021 йил 14 декабрдан тайинлансин.

3. Ж.Алматовга жамият ишини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ юритиш вазифаси юклатилсин.

Мажлис раиси




М.Абдурахмонов

Баённи олиб борди



А.Мирасулов

Кузатув Кенгаши аъзолари:



Ж.Тошхўжаев

Л.Акбарходжаев

Н.Толипджанов

Ф.Тўлаганов

Т.Камолов

Н.Халилова